

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИХТИРОЛАРНИНГ МОДА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АКТУАЛЛИГИ

Хаитова Зилола Патхуллаевна
К.Бехзод номли МРДИ
“Либос дизайни” кафедраси мудири

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Либос дизайни” соҳасида актуаллик касб этаётган замонга хос инновацияларнинг бугунги кун мода соҳасига кўрсатаётган таъсири атрофлича ёритилган. Шунингдек, бу борада мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимига доир муаллифнинг хулоса ва таклифлари келтирилган.

Калим сўзлар: инновацион технологиялар, “tech-couture”, “technofashion”, ижодий ёндошув, санъат, иқтисодиёт ва саноат секторлари ривожу, концепция, либос ва аксессуарлар.

ABSTRACT

The article describes in detail the influence of contemporary innovations in the field of "clothing design" on the fashion industry today. Also, the author's conclusions and suggestions regarding existing problems and their solutions are presented.

Keywords: innovative technologies, "tech-couture", "technofashion", creative approach, development of art, economy and industrial sectors, concept, clothes and accessories

КИРИШ

Маълумки, мода соҳаси замон билан ҳамнафасликда ривожланувчи жамиятнинг актуал соҳалари қаторига киради. Санъат, иқтисодиёт ва саноат секторлари ривождаги ҳар бир янгиланиш ва инновациялар мода соҳасига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Шундай экан, мазкур ихтисослик доирасида ўзининг дизайнерлик фаолиятини олиб бораётган ҳар бир мутахассис либос тўпламларини шакллантириш мобайнида нафақат индивидуал – ижодий ёндошувига таянган ҳолда, балки бозор иқтисодиёти талаблари, санъат ва маданият соҳаларидаги концептуал тамойиллар ҳамда саноат тизимидаги либос ва аксессуарлар ишлаб чиқариш борасидаги янгиланишларни ўз ичига олувчи мукамал дизайн лойиҳаларни шакллантириши талаб этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ёш ва малакали мутахассислар учун бирдек муҳим бўлган фаолият босқичларига қўшимча тарзда, либос лойиҳаларини шакллантириш жараёнларида тарихдаги буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш, миллий меъросимизни келгуси авлодларга қолдириш учун миллий

либосларимиз ўзига хосликларидан ўз ўрнида ва замонга талабларига мос ҳолда мурожаат этиш ҳам бугунги кундаги соҳа олдида турган ақуал масалалар қаторига кирмоқда. Ушбу икки - бир биридан фарқли ўзига хосликларга эга бўлган йўналишларни яхлит бир концепция асосида либос тўпламларида қўллаш олиш малакаси мутахассислардан бир неча йиллик меҳнат ва билимларни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Тадқиқотнинг кириш қисмида танланган мавзунинг актуаллигини таъкидлашга қаратилган фикр ва мулоҳазалар орқали маълум бўладиги, жаҳондаги замонавий илм-фан ривожига асосида шакллантирилаётган саноат-ишлаб чиқариш тизимларидаги инновацияларни дизайн соҳаларидаги амалий-ижодий жараёнларда қўллаш масаласи дунёдаги етакчи олим ва мутахассислар илмий тадқиқотларида ўз аксини топиб келмоқда [1]. Хусусан, Е.Ю.Амосова, А.М.Андриевский, Т.С.Василева, И.Н.Савелева, В.В.Семенова, М.В.Морозова, М.В.Жогова, И.А. Шеромова, Е.В. Устинченко ва бошқалар илмий тадқиқотларида костюм дизайнининг инновацион технологиялар кесимидаги ривожланиш босқичлари, либос тўпламларини лойиҳалаш тизимлари турли хил модификацияларининг комбинаторикасидан иборат “tech-couture” ёки “technofashion” феноменларининг пайдо бўлиши: “инсон - технология – атроф-муҳит” концепцияси асосидаги технологияларнинг аҳамияти кўриб чиқилганлигини қайд этиш мумкин.

МУҲОКАМА

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган даврдан эътиборан жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқарувчи текстил корхоналари, кластерлар ташкил этилиши жадал суратларда ривожланди ва шу кунга қадар бу жараёнлар давом этиб келмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ишлаб чиқариш корхоналари қанчалик замонавий жиҳозлар ва технологиялар билан таъминланмасин, уларда ушбу технология ва ускуналардан самарали фойдаланиш малакасига эга бўлган кадрлар фаолият юрита олиши энг асосий талаблардан бири бўлиб қолаверади.

Шу каби жиҳатларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайни институти таълим жараёнларида талабаларни бир тарафдан ўз индивидуал – иждодий ёндошувига эга бўлган иждодкор дизайнер кадрлар сифатида етиштириш вазифаси кун тартибидан ўрин олаётган бўлса, таълимнинг кейинги асосий мақсади этиб - талабаларда либосларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларига

киритилаётган инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш масаласига ижобий ечим топиш мақсади кўйилмоқда. Бу жараёнда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳат шундан иборатки, талабалар ўқув жараёнлари давомида нафақат ҳозирги кунда мамалакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган замонавий-инновацион технологияларни ҳаридоргир дизайн-ечимлардаги либос тўпламларини яратиш жараёнларида қўллаш малакасига эга бўлишлари шу билан бирга, юртимизда мавжуд бўлмаган аммо, жаҳон модалар дизайнида қўлланилаётган инновацион технологияларни Ўзбекистон мода саноати ривожига амалга тадбиқ этишлари масаласи ҳам актуаллик касб этмоқда.

Сабаби, жаҳон модаси ривожига тўғридан тўғри таъсир кўрсатаётган инновацион технологиялар бугунги кунда глобал таъсир доирасига эга бўлиб келаётган бир қатор муаммоларга ечим бўлиши кутилмоқда. Уларга:

- Немис дизайнери Анке Домаске истеъмолчиларга сутдан тайёрланган экологик тоза кийимларни ишлаб чиқариш бўйича ихтиросини кенг оммага тақдим этди. Бундай кийимлар қон микроциркуляциясини яхшилайти ва тана ҳароратини тартибга солиш имконини беради [2]. Бу эса бугунги кунда жаҳон миқёсида глобал муаммолардан бири бўлган соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга омил бўлади.

- Ҳелена Сторей ва Тони Раян ҳавони тозалайдиган ноёб кийим технологиясини ишлаб чиқдилар. Мазкур инновация ҳам мода соҳасини экологияни асрашга қаратилган устувор ҳаракатларнинг ажралмас қисми сифатида ривожланаётганини кўрсатади.

- Лондонлик дизайнер табиий матоларга ортиқча маблағ сарфламасдан, шунчаки уларни етиштириш орқали экологик кийимлар яратишнинг инновацион усулини амалга тадбиқ этди. Ушбу содда, аммо илмий усулда Сузанна Ли аллақачон сумкалар тўпламини, замонавий услубдаги бир нечта курткалар тўпламини яратди. Кийим-кечаклар ишлаб чиқаришдаги ушбу инновацион усул иқтисодиётни ривожлантиришда ўзига хос ўринга эга бўлиши билан бир қаторда, жамият аъзолари учун сифатли ва ҳамёнбоп кийим-кечак ва аксессуарлар ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришга хизмат қилади. Маълумки, молния тақилмалари ва тугмалар тўқимачилик маҳсулотларини қайта ишлашни қийинлаштиради, чунки уларни олиб ташлаш қўл меҳнатини талаб қилади, бу жараённи қиммат ва анча вақт талаб қилади. Ресортесс маълум ҳароратларда эрийдиган Smart Stitch ипини ишлаб чиқиш орқали ушбу муаммога оптимал ечим бера олди. Smart Stitch 150°C, 170°C ёки 190°C эриш хусусиятига эга биологик ва синтетик асослардан тайёрланади. Ип

кийим-кечакдан иш кийимигача бўлган турли хил либослар учун мос келади ва ишлаб чиқариш жараёнларидаги барча тикув машиналарида қўллашга мос келади. Қайта ишлашни янада осонлаштириш учун Ресортесс ўзининг кам энергияли термал қисмларга ажратиш тизимини, яъни Smart Disassembly технологиясини таклиф қилди. Иккала янгилик биргаликда кийимнинг асл матосини 90% гача тиклаш имконини беради [2]. Мода соҳасидаги ушбу инновация ҳам иқтисодиёт ҳам экология соҳаларидаги кўплаб актуал масалалар ечими сифатида саноат ишлаб чиқариш тизимларида қўллаш учун устувор ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимиз мода соҳаси ўз шахсий брендига эга бўлган малакали дизайнерларимизнинг юртимиздаги кийим кечаклар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан коллаборациялари асосида яратилган либос тўпламларини кенг омма эътиборига тақдим этилиши асосида ўз ривожининг янги босқичига чиқаётганини қайд этиш мумкин. Эътиборлиси ишлаб чиқарилаётган ушбу костюм коллекциялари шу кунга қадар саноат ва текстил корхоналарида ишлаб чиқарилган либос ассортиментларидан нафақат ўзининг дизайн ечими, матоси ва ишлаб чиқариш усуллари билан балки, уларни ҳарид қилиш жараёнларига қадар бўлган барча босқичлардаги фарқларига эга. Ушбу тафовутлар биринчи навбатда мазкур жараёнларда мутахассисларимиз томонидан қўлланилаётган инновацион технология ва усуллар орқали сифат ва қулайлик жиҳатидан мутлақо янги шакллар ва дизайн ечимларга эга либос тўпламлари сифатида юртдошларимиз эътирофига сазовор бўлмоқда. Хусусан:

- Шу кунга қадар миллий мода соҳаси доирасида деним матосидан кийим-кечаклар ишлаб чиқариш фаолияти деярли мавжуд бўлмаган. Бугунги кунда Ўзбекистонда ушбу матодан замонавий, ҳаридоргир либос тўпламларини ҳар бир мавсум доирасида тақдим этиб келаётган маҳаллий мода брендлари шакллани улгурди.

- Тўқилган трикотаж либосларининг замонавий ечимдаги намуналари шу кунга қадар асосан чет давлатлардан импорт қилинган бўлса, эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар юртимиз дизайнерлари учун уларнинг лойиҳалари асосида замонавий трикотаж либосларини ишлаб чиқаришни йўлга қўя бошладилар. Бу ютуқлар ҳозирги кунда мамлакатимиз мода соҳаси доирасида эришилаётган ютуқларнинг бир қисми холос. Ушбу ютуқлар дизайнер мутахассислари ҳамда саноат корхоналари мутахассисларининг ўз устиларида ишлаб, замонавий инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этиш борасидаги меҳнатларининг самараси асосида вужудга келмоқда. Бу эса

ушбу жараёнларда олиб борилаётган илмий-ижодий фаолиятларни янада жадаллаштириш зарурияти нечоғлик катта аҳамият касб этишини асослашга хизмат қилмоқда.

ХУЛОСА

Юқорида таҳлил этилган тадқиқот мавзусига доир масалалар замонавий мода соҳаси бугунги кунда жамиятдаги ривожланиш тамойилларининг барча йўналишларини ўзида қамраб олганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни шакллантиришга имкон яратди. Бу эса ўз навбатида, ушбу соҳанинг таълим тизимларида фаолият юритиб келаётган биз каби педагоглар фаолиятлари мобайнида замонавий инновациялар ва ихтироларни талабаларнинг ўқув жараёнлари давомида шакллантирадиган лойиҳаларида ўз аксини топиши учун хисса қўшишимиз нечоғлик зарур эканлиги ҳақидаги хулосаларни таъкидлашга замин яратди.

REFERENCES

1. Мелая Т.Г. ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СОВРЕМЕННОМ ДИЗАЙНЕ КОСТЮМА // *Фундаментальные исследования*. – 2015. – № 2-18. – С. 3935-3939; URL: <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=37883>
2. Роль инновационных технологий в дизайне костюма. URL: https://dzen.ru/a/YHRJNL74dmeXkd6o?utm_referer=yandex.ru
3. Амосова Э.Ю. Влияние инновационных технологий и материалов на формирование модных тенденций в развитии костюма: дис. ... канд. техн. наук. М., 2010.
4. Васильева Т.С. Влияние новых технологий на формообразование в дизайне одежды (на примере светодизайна костюма): дис. ... канд. искусствоведения. М., 2011.
5. Козлова Т.В. Костюм. Теория художественного проектирования: учебник для вузов. М.: МГТУ им. А.Н. Косыгина, 2005. 380 с.
6. Мелая, Т. Г. Инновационные технологии в современном дизайне костюма / Т. Г. Мелая // *Фундаментальные исследования*. 2015. № 2. С. 393-393.
7. А. Электроника, встроенная в одежду – технологии и перспективы [Электронный ресурс]. URL: https://www.kit-e.ru/articles/elcomp/2007_4_221.php
8. Ткани будущего: фантастика, ставшая реальностью [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.fashiontime.ru/fashion/reviews/6820.html>
9. Цифровые технологии в индустрии моды. Часть 1: Перспективы и тенденции [Электронный ресурс]. URL: <http://www.progd.ru/digital-technologies-in-fashion>